

ИНГЛИЗЧА-ЎЗБЕКЧА-РУСЧА ИДЕОГРАФИК ЛУҒАТЛАР ТУЗИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

(ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун)

Садикова С.А. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада касб-хунар коллежлари талабаларида юқори касб-хунар маданиятини шакллантириш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, инглиз-ўзбек-рус тилларидаги идеографик луғат намунаси яратилди ва унда "касб-хунар" семантик макромайдонига кирувчи сўзларнинг инглиз-ўзбек-рус тилларидаги қисқача таржималари берилди. Бундан кўзланган мақсад талабалар учун ўзбек тилидаги сўзларни хорижий тилларга изчил қиёслаб ўрганиш ва шу орқали уларнинг касб танлаш кўникмаларини шакллантиришидан иборат.

Калит сўзлар: инглизча-ўзбекча-русча тилларидаги идеографик луғат, тамойил, "касб-хунар" семантик майдон, мазмуний майдон, касб-хунар маданияти, синонимик, антонимик, гиперо-гипонимик, градуонимик, партонимик муносабатлар, таълим-тарбия жараёни.

Маълумки, истиклол йилларида юртимизда кечаётган ислохотлар, ўз навбатида, тилимиз луғат бойлигининг ҳам анча бойиб, сайкал топиб боришида ўзига хос омиллардан бўлмоқда. Жамиятдаги етакчи соҳалар ривож, уларнинг халқаро микёсдаги тараққиёт жараёнлари натижасида тилимиз лексик қатламига кириб келаётган янги сўз ва терминлар уларнинг лисоний хусусиятларига оид луғатлар тузишни тақозо этаётир.

Тил ўрганишда идеографик луғатлар ҳам етакчи йўналишлардан саналади. Қайд этиш кераки, кейинги йилларда ўзбек тилининг тарихи, субстанциал табиати, имкониятлари, бошқа тиллар сирасида тутган ўрни каби жиҳатларини ўрганиш ва ёритиб беришга бағишланган турли илмий ишлар билан бир қаторда этимологик, антропонимик, диалектал, топонимик, морфемик, синонимик, антонимик, омонимик каби луғат турлари нашр этилди.

Бироқ дунёнинг турли тилларида, хусусан, инглиз, немис, испан, француз, рус ва бошқа тилларда идеографик луғатнинг тезаурус, аналогик, ассоциатив каби турлари нашр этилгани ҳолда ҳозирги ўзбек тилида идеографик луғатнинг яратилмаганлиги, назарий асослари ишланмаганлигини ўзбек луғатчилигининг навбатдаги вазифалари дейиш мумкин. [1]. Шу билан бирга қайд этиш кераки, ўзбек тилида идеографик луғат яратиш масаласи ҳозирда долзарблик касб этаётган вазифалардан бўлиб, бу борада қатор тадқиқотлар яратилган. Шулардан эътиборлиси тилшунос олим Ё.Ҳамраеванинг тадқиқотида акс этган ва унда ўзбек тилида идеографик луғат яратиш тамойиллари белгилаб берилган. [2].

Идеографик луғатларни ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиш ўзбек ва чет тилларини ўзаро қиёсан ўрганиш самарадорлигини янада оширади. Алифбо тартибдаги луғатларда сўзнинг синтагматик ва услубий-функционал хусусиятлари кўрсатилса, идеографик луғатларда сўзлараро синонимик, антонимик, гиперо-гипонимик, градуонимик, партонимик муносабатлар намоён бўлади. Бу эса ўқитиш тизимида ўқувчиларни мустақил фикрлашга, янги сўзларни ўзлаштиришга, изланишга чорлайди, оғзаки ва ёзма нутқини

ривожлантиради, оламни яхлит идрок этиш кўникмаларини шакллантиради. Бундан ташқари, тил ўрганувчиларга тил соҳибларининг турмуш тарзи, маданияти, маънавияти ва менталитети ҳақида мукамал маълумотлар олиш учун қулай имкониятлар яратади.

Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари талабалари учун Инглизча-ўзбекча-русча идеографик луғатлар тузиш, унинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш биринчи галдаги вазифалардан саналади.

Маълумки, касб-хунар коллежларида талаба ёшлар, аввало, белгиланган дастурлар асосида турли касб-хунарларга ўргатилади. Уларда шу орқали ҳам умуминсоний фазилатлар шакллантирилади ва айни пайтда касб-хунар маданияти қарор топтирилади.

"Касб" сўзи арабча бўлиб, биринчидан, иш-фаолиятнинг маълум тажриба, тайёргарлик талаб этадиган бирор тури, соҳаси; хунар маъносини, иккинчидан, умуман, одат қилинган иш, одат маъноларини англатади.

"Хунар" сўзи ҳам арабча бўлиб, биринчидан, муайян кўникма, маҳорат талаб қиладиган, тирикчиликнинг асосий манбаи ҳисобланувчи иш; машғулот; иккинчидан, бирор ишдаги маҳорат, санъат, моҳирлик, усталик талаб этувчи иш, хатти-ҳаракат; учинчидан, одат тусидаги иш, ҳаракат, тўртинчидан, бўлмағур, келишмаган хатти-ҳаракат, қилиқ, одат каби маъноларни англатади.

Идеографик луғатда майдон назариясидан, системавийликдан самарали фойдаланилади. Майдон назарияси эса дедукцияга асосланади. Шундан келиб чиқиб, идеографик луғат тартибига кўра, айтиш мумкинки, касб-хунар семантик майдон, ўз навбатида, яна қатор мазмуний майдонларга бўлинади. Масалан, касб-кор мазмуний майдон ўқитувчилик, учувчилик, шифокорлик ва ҳ.к., хунар мазмуний майдон эса хунарымандчилик, боғдорчилик, чорвачилик, дехқончилик ва ҳ.к. каби тушунчаларни ўз ичига олади. Ушбу тушунчалар ҳам ўзининг кичик тармоқларига бўлинади. Мисол учун: хунарымандчилик тармоғи қуллоқчилик, ҳайкалтарошлик, ганжкорлик, дурадгорлик каби тушунчаларни ўзида жамлайди.

* Садикова С.А. – АДУ катта илмий ходим-изланувчи.

Айни тартибда, яъни касб-хунар семантик майдонида кирувчи сўзларни инглизча-ўзбекча-русча идеографик лугатлар шаклида ўрганиш касб-хунар коллежларида ёшларнинг чет тилларга нисбатан қизиқишларини янада ошириб, тил ўрганиш самарадорлигини таъминлайди. Чунки маълум касб-хунарни пухта эгаллашни истаган бугуннинг ҳар бир йигит-қизи, аввало, ушбу касб-хунарни жамиятда, балки жаҳонда тутган ўрнини яхши билиши лозим. Бунинг учун эса масала яна тил ўрганишга бориб тақалаверади. Иккинчидан, айни лугатлар ёшларни касб-хунарга йўналтиришда ўзига хос қўлланмалардан бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, «ўқув лугатлари ўқиш-ўқитиш мақсади билан тузилади, талабалар ёки мактаб ўқувчилари учун мўлжалланади. Бундай лугатлар танланган лексик материалнинг ҳажми, танлаш йўли, муайян ўқув дастурини назарда tutиши, ўқувчи китобхонларнинг билим даражасини ҳисобга олиши каби хусусиятлари билан ажралиб туради» [3].

Шунга асосан, касб-хунар семантик майдонида асосланувчи инглизча-ўзбекча-русча идеографик лугатнинг қисқача намунасини келтириш мумкин.

Касб-кор мазмуний майдони:

инглизчада – *profession*, ўзбекчада – *касб*, русчада – *профессия*

Касб-кор мазмуний майдони тармоқлари:

инглизчада – *worker*, ўзбекчада – *ишчи*, русчада – *рабочий*;

инглизчада – *doctor*, ўзбекчада – *шифокор*, русчада – *врач*;

инглизчада – *farmer*, ўзбекчада – *фермер*, русчада – *фермер*;

инглизчада – *engineer*, ўзбекчада – *муҳандис*, русчада – *инженер*;

инглизчада – *accountant*, ўзбекчада – *бухгалтер*, ҳисобчи, русчада – *бухгалтер*;

инглизчада – *teacher*, ўзбекчада – *ўқитувчи*, русчада – *учитель*;

инглизчада – *banker*, ўзбекчада – *банкир*, русчада – *банкир*;

инглизчада – *scientist*, ўзбекчада – *олим*, русчада – *учёный*;

инглизчада – *driver*, ўзбекчада – *ҳайдовчи*, русчада – *шофёр*;

инглизчада – *secretary*, ўзбекчада – *котиб (а)*, русчада – *секретарь*;

инглизчада – *architecture*, ўзбекчада – *меъморийлик*, русчада – *архитектура*;

каби тартибда лугатни давом эттириш мумкин. Бундан ташқари, ушбу лугатнинг иккинчи қисмига хунар мазмуний майдонида кирувчи сўзларнинг инглизча-ўзбекча-русча номланишларини ҳам кетма-кет жойлаштириш лозим. Ўз навбатида, улар ҳам кичик тармоқларни ўзида жамлайди. Масалан, санъат, яъни санъаткорлик тармоғи ўз ичига тасвирий санъат, қўшиқчилик, созандалик ва ҳ.к. каби тушунчаларни олади. Хусусан:

инглизчада – *painting*, ўзбекчада – *рассомлик*, русчада – *животпись*;

инглизчада – *pianist*, ўзбекчада – *пианиночи*, русчада – *пианист*;

инглизчада – *singer*, ўзбекчада – *қўшиқчи*, русчада – *певец (певица)*;

инглизчада – *violinist*, ўзбекчада – *скрипкачи*, русчада – *скрипач*

каби шаклларда сўз маъноларини кетма-кет келтириш коллежлар таҳсил олувчиларига «касб-хунар» семантик майдонида онд сўз ва бирикмалар маъноларини англатишда қулай, самарали ва изчил қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Бугуннинг ҳар бир ёши касб-хунар ўрганиши учун, аввало, унга қизиқиш билдириши, иккинчидан, ушбу касб-хунар ҳақида чуқур билим-малакага эга бўлиши, учинчидан, кучли саъй-ҳаракат асосида уни ҳам назарий, ҳам амалий тартибда тўлақонли ўзлаштириш лозим. Шундагина у бугунги шиддатли даврнинг талабларига жавоб бера оладиган малакали мутахассисга айланади. Истаймизми-йўқми бу йўлда тил ўрганиш масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этиб қолаверади. Шу маънода, айтиш жоизки, касб-хунар танлаш ва уни ўзлаштириш жараёнида ҳам инглизча-ўзбекча-русча идеографик лугатлар ўз услубий аҳамиятини асло йўқотмайди.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки:

- идеографик лугатлар талабаларни касбга йўналтиришда тил ўрганиш масалаларини самарали ҳал этишга қўмаклашади;

- талабалар ўзлари танлаган касб-хунар ҳақидаги тушунчаларни ўзбек ва чет тилларини ўзаро қиёслаган ҳолда ўрганадилар, бу эса касб-хунарлар тарихи, уларга онд халқаро тажрибаларни чуқур ўзлаштиришга замин яратаяди;

- идеографик лугатлар ёшларда юқори касб-хунар маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳамраева Ё. Ўзбек тилининг идеографик лугатини тузиш тамойиллари: Номзодлик диссертацияси автореферати. Т.: 2010. Б. 2.
2. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдди. Т.: 2006, 2008. 2-5-жилдлар. Б.10-12.
3. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. Тошкент: “ЎзМЭ Давлат илимий нашриёти”, 2002. Б. 140.

РЕЗЮМЕ

В статье проводится анализ переводного трёхязычного идеографического словаря, предназначенного для учащихся колледжей. Цель словаря – помочь учащимся изучать языки в сопоставлении с узбекским.

Ключевые слова: англо-узбекско-русский идеографический словарь, семантическое поле «профессионал», профессиональная культура, антонимическое, гиперогипонимическое, градуонимическое, патронимические отношения, учебно-воспитательный процесс.

RESUME

In article, it is analysed the translational multilingual ideographic dictionary for pupils. The aim of dictionary – to help pupils to learn foreign languages in comparison with Uzbek.

Key words: English-Uzbek-Russian ideographic dictionary, semantic field “profession”, professional culture, antonymic, gradnonimic, patronymic, giper-giponimic relations, educational process.